

Тазкия 170-дарс. Аллоҳ ҳасадгўйликдан сақласин!



17:00 / 29.01.2022 4477

1. Ҳасад Аллоҳ таолонинг ғазабига сабабдир.
2. Ҳасадгўйнинг қалби ҳасратга тўла бўлади.
3. Ҳасад ўз эгасининг мартабасини пасайтиради.
4. Ҳасадчини одамлар ёмон кўради.
5. Ҳасад неъматнинг заволига сабаб бўлади.
6. Ҳасад катта ёмонликларнинг манбаидир.
7. Ҳасад жамиятни бузувчи чўқмордир.

8. Ҳасад ахлоқсизлик аломатидир.

Ҳар бир инсон бошқа маънавий жиноятлардан қутула бориш баробарида ҳасад каби катта маънавий жиноятдан ҳам қутулиши шарт. Ўшандагина элу юртимизда бирор яхшиликдан умид қилсак бўлади. Ҳар биримиз ҳасаддан фориғ бўлиб, қалбимиз тоза ҳолга келиб, қуйидаги ҳадисда зикр қилинган саодатманд саҳобий даражасига етишишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирган эдик. Ул зот:

«Ҳозир ҳузурингизга аҳли жаннатдан бир одам чиқади», дедилар. Ансорийлардан соқолидан таҳорат суви оқиб турган, чап қўлида кавуш тутган киши чиқиб келди.

Эртасига Набий соллalloҳу алайҳи васаллам яна шу гапни айтган эдилар, яна ўша одам кечаги ҳолида чиқиб келди.

Учинчи куни ҳам Набий соллalloҳу алайҳи васаллам яна шу гапни айтган эдилар, яна ўша одам ўша ҳолида чиқиб келди. Кейин Набий соллalloҳу алайҳи васаллам ўринларидан туриб, Абдуллоҳ ибн Амр ҳалиги одамга эргашиб борди-да: «Отам билан орамиздан гап ўтиб қолиб, уч кунгача унинг олдига кирмасликка қасам ичган эдим. Агар маъқул топсангиз, менга шу муддат ўтгунча уйингиздан жой бериб туринг», деди. У одам «Хўп», деб жавоб берди».

Ҳазрати Анас ривоят давомида шундай дейди:

«Абдуллоҳ ўша уч кеча у билан бирга тунаганини, у одамнинг кечалари ҳеч бедор бўлмаганини гапириб юрар эди. Агар у одам безовта бўлса, ўрнида ағдарилиб ётар ва бомдодгача Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилиб, такбир айтиб чиқар экан».

Абдуллоҳ яна шуларни айтган экан: «Аммо ундан фақат яхши гапларни эшитдим. Уч кеча ўтгандан сўнг, унинг амали ҳеч нарса эмас экан, деган фикрга келай дедим. Унга: «Эй Аллоҳнинг бандаси! Отам билан орамизда ҳеч гап ўтгани йўқ. Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан уч марта «Ҳозир ҳузурингизга аҳли жаннатлардан бир киши келади», деган гапни эшитдим. Уч марта ҳам сен чиқиб келдинг. Сенинг ҳузурингдан жой

олиб, қиладиган амалларингга назар солиб, сенга иқтидо қилиш орзусида эдим. Аммо каттароқ бир иш қилганингни кўрмадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган гапларга сени нима эриштирган?» деб сўрадим.

У эса: «Ўзинг кўрган нарсадан бошқа ҳеч нарса йўқ», деди.

Қайтиб кетаётганимда у мени ёнига чақириб: «Ўзинг кўрган нарсалардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Фақат мен қалбимда мусулмонлардан бирор кимсага гина-кудурат сақламайман. Ҳеч кимга нисбатан унга Аллоҳдан етган яхшиликка ҳасад қилмайман», деди».

«Сени ўша мақомга етиштирган шу хислатинг экан. Ана шунга биз тоқат қила олмаймиз», деди Абдуллоҳ».

Аҳмад ва Насоий ривоят қилишган.

Ҳақиқатан ҳам, инсонлар қалбида ўзгаларга нисбатан ҳасад бўлмаслиги улуғ фазилатдир. Зеро, бундай одамдан ҳеч бир ёмонлик чиқмайди. Аллоҳ таоло барчамизни ҳасадгўйликдан сақласин! Элу юртимизни бу оғир дарддан Ўзи қутқарсин! Омин!

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди